**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИНИНГ 2024-2030 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

**ТОШКЕНТ-2024**

**“Тасдиқлайман”**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**
**1-сонли академик лицейи ижрочи**
**директори в.в.б. М.Сахибжонов**

**2024 йил “ 29 ” 08**

# Тошкент давлат иқтисодиёт университети академик лицейининг 2024-2030 йилларда ривожлантириш стратегияси

## Кириш

Тошкент давлат иқтисодиёт университети академик лицейини 2024-2030 йилларда ривожлантириш стратегияси:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2829-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3290-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4910-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 июлдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-200-сонли қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, академик лицейнинг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш стратегиясини белгилайдиган ҳужжат ҳисобланади.

Стратегия академик лицейнинг таълим, маънавий-маърифий, илм-фан, молия-иқтисод, маъмурий-хўжалик, халқаро алоқалар ва бошқарув фаолиятининг устувор йўналишларини ривожлантириш ва такомиллаштириш асосида уни рақобатбардош таълим муассасаси даражасига олиб чиқишни назарда тутади.

Академик лицейни истиқболли ривожлантиришнинг асосий концептуал тамойиллари қуйидагилардан иборат:

академик лицейнинг барча фаолият йўналишларини ривожлантириш ва таълим сифатини ошириш, академик лицейни республикада аниқ фанлар (математика, инглиз тили) йўналишида етакчи таълим муассасасига

айлантириш, уни замонавий, рақобатбардош ва юқори билим кўрсаткичларига эга бўлган битирувчилар тайёрлаш билан ажралиб турадиган академик лицейга айлантириш;

халқаро ҳамкорлик, қўшма дастурлар ва амалий илмий-ҳамкорликни ривожлантириш;

академик лицейда юксак даражадаги маданий-таълим муҳитини яратиш;

инновацион таълим технологияларини ўқув жарёни, таълим ва бошқарувга тадбиқ этиш;

илғор хорижий тажрибалардан, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларидан таълим жараёнида фойдаланиш;

етакчи олий таълим муассасалари ва марказлари, илмий-тадқиқот университетлари билан мустаҳкам ва самарали алоқалар ўрнатиш;

академик лицейда лидерлик, юксак маданият, рақобат муҳитини яратиш ва олдинга интилиш туйғусини шакллантириш;

ўқувчиларга ютуққа йўл очувчи билим устуворлиги, эркин фикр билдириш, илмий ва ижодий қобилиятларни қўллаб-қувватлаш муҳитини яратиш.

Юқоридаги концептуал тамойиллар асосида академик лицейнинг ҳар бир фаолият йўналишлари бўйича ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифаларини шакллантириш мумкин.

## Академик лицейни ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари

### 1. Таълим жараёни

### 1.1. Таълим жараёнининг стратегик мақсади

Концептуал тамойиллар асосида таълим фаолиятини такомиллаштириш орқали ўқувчиларнинг билим савиясини янада юқори даражага кўтариш.

### 1.2. Таълим ва илмий-методик фаолиятни янада такомиллаштириш бўйича вазифалар:

- ўқувчиларнинг чуқур билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, ўзларининг ижодий потенциалларини намоён қилишлари учун ўқув, илмий, инновацион фаолият бирлигини таъминлаш;

- академик лицей олдида турган муаммоларни оптимал тарзда ҳал этишга йўналтирилган янги, илғор хорижий тажрибалардан, технологиялардан фойдаланиш;

- тажриба алмашиниш ҳамда илғор тажриба ва технологиялар билан танишиш мақсадида халқаро ва республика миқиёсида турли фанга оид мавзулар асосида илмий семинар-конференцияларни ташкил қилиш;

- академик лицей ахборот ресурс манбаини қайта янги хорижда тан олинган дастурлар асосида ёзилган адабиётлар билан тўлиқ таъминлаш;

- академик лицей ўқувчи ёшларининг олган билимларини амалга татбиқ этиш учун ўз кичик лойиҳаларини амалга оширишга шароит яратиш;

- академик лицейдаги чуқурлаштирилган фанлар учун ажратилган соатлар фондини сақлаган ҳолда, ўқув дастур таркибига STEAM таълим тизимини татбиқ этиш, математика фани дастури таркибига ўқувчиларнинг Халқаро SAT ва миллий сертификати имтиҳонларига оид мавзуларни киритиш;

- ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра билимларини янада ривожлантириш мақсадида Special Day, Speaking Club, Movie Club, Ораторлик санъати каби клубларни ташкил қилиш;

- иқтидорли ўқувчиларни нуфузли халқаро ва республика фан олимпиадалариҳамда спорт мусобақаларига жалб қилиш учун махсус тўгараклар ташкил этиш ҳамда ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

- академик лицей ўқувчиларини камида битта хорижий тилни пухта ўзлаштиришлари ҳамда таълим йўналиши бўйича мос фанлар учун дарс машғулотларига юқори малакали педагогларни жалб қилиш ва зарурий шароитлар яратиш;

- юқори малакали педагогларни доимий равишда малакаларини ошириб бориш ҳамда моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш ва амалга ошириш;

- академик лицейда илмий даражали, чет тили ва фанларни билиш даражаси тўғрисидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган асосий штатдаги педагоглар улушини ошириш;

- хорижий тил фани ўқитувчилари учун камида C1 даражадаги, математика фани ўқитувчилари учун камида B2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга ўқитувчилар кўрсаткичини босқичма-босқич 100% га етказиш;

- хорижий педагоглар, шунингдек, халқаро эътироф этилган ташкилотлар – Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities рейтингларида биринчи 1 000 та ўринни эгаллаган олий таълим муассасалари дипломларига эга бўлган маҳаллий педагоглар улушини ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан аниқланадиган академик лицейлар рейтинги натижаларига кўра Тошкент давлат иқтисодиёт

университети академик лицейини кучли 5 талик академик лицейлар қаторига киритиш;

- Олий таълим муассасаларига қабул қилинган академик лицей битирувчилари улушини 100% га етказиш;

- Чет тили ва фанларни билиш даражаси тўғрисидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган ўқувчилар улушини 80% га етказиш.

## 2. Тарбиявий ишлар жараёнининг стратегик мақсади

Иқтидорли ёшларни лидерлик, юксак маданият, рақобатбардошлик, эркин фикрлаш, илмий ва ижодий қобилиятларни қўллаб-қувватлаш муҳитида тарбиялаш.

### 2.1. Академик лицейда маънавий-маърифий ва тарбиявий фаолиятини такомиллаштириш бўйича вазифалар:

- академик лицейда маънавий-маърифий ва тарбиявий муҳитни янада яхшилаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5та муҳим ташаббус марказини ташкил этиш;

- ҳодимлар ва ўқувчиларнинг оммавий спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда спорт-соғломлаштириш ишларини йўлга қўйиш;

- ҳаваскорлик театр студияси фаолиятини йўлга қўйиш;

- миллий спорт ўйинлари ва очиқ мусобақалар ўтказиш;

- IT саводхонлик мусобақаларини ташкил этиш;

- академик лицей ўқувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш учун School Council ни жорий қилиш;

- виртуал кутубхона ташкил қилиш ва электрон манбалар билан таъминлаш;

- академик лицейда шахмат, шашка ва спорт турлари ҳамда мусиқа клубларини ташкил этиш;

- академик лицей жамоасида ижтимоий-психологик муносабатларни такомиллаштириш.

## 3.Халқаро фаолият

### 3.1. Халқаро фаолиятнинг стратегик мақсади

Халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, академик лицейнинг жаҳон таълим тизимига интеграциялашувини таъминлаш, бунда жаҳон ўрта таълим тизими стандартларига мувофиқлаштириш.

### 3.2. Халқаро фаолият бўйича вазифалар

- академик лицей фаолиятини такомиллаштириш учун илғор хорижий мамлакатлар (АҚШ, Финляндия, Буюк Британия, Польша, Туркия каби) олий таълим муассасалари ҳамда академик лицейлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

- етакчи хорижий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини жорий қилиш;

- академик лицей ўқувчилари, педагог-ўқитувчиларини хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказларига ўқиш, стажировка, малака ошириш ва илмий-тадқиқот ишларини бажаришга юбориш;

- хорижий профессор-ўқитувчиларнинг маҳорат дарсларини ташкил этиш, улар иштирокидаги илмий конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этиш;

- хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда замонавий технологиялар асосида чет тилларини ўқитишни йўлга қўйиш;

- халқаро илмий-тадқиқот лойиҳалари ва грантларида иштирок этиш;

- хорижий нашрларда чоп этиладиган илмий мақолалар сонини ошириш;

- илмий-педагогик ходимларининг халқаро илмий конференцияларда маъруза билан иштирок этишларни таъминлаш.

## 4. Молиявий ва иқтисодий фаолият

### 4.1. Молиявий ва иқтисодий фаолиятнинг стратегик мақсадлари

Молиявий ва иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, молиявий манбаларни жалб қилиш, академик лицейнинг асосий фаолиятини молиялаштириш учун улардан мақсадли фойдаланиш.

### 4.2. Молиявий ва иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш вазифалари

- молиявий масалаларни тизимли таҳлил ва назорат қилиш, харажатлар сметасини объектив асослаш;

- академик лицейнинг алоҳида ютуқларга эришган педагог ва ходимларини доимий равишда моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш тизимини жорий этиш ва амалга ошириб бориш;

- молиявий ресурсларни тежаш;

- тўловли таълим хизмат турларини кенгайтириш (хорижий талабалар, қўшма таълим дастурлари, хорижий тилларни ўргатиш ва сервис хизмати кўрсатиш ва бошқа марказларни ташкил этиш);

- иқтидорли ўқувчиларни халқаро олимпиадаларда иштирокини таъминлаш учун молиялаштиришни амалга ошириш.

## 5. Академик лицейнинг моддий-техника базасини ривожлантириш

### 5.1. Моддий-техника базасини ривожлантиришнинг стратегик мақсад

Академик лицейнинг моддий-техника базасини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари таълим стандартлари ҳамда илм-фаннинг замонавий талабларига мувофиқ моддий-техника базасини яратишга қаратилган.

### 5.2. Моддий-техника базани ривожлантириш бўйича вазифалар

- академик лицей инфратузилмаси, моддий-техник базасини ривожлантириш ва доимий равишда қувватлаб туриш;
- академик лицей биноларини замон талаблари даражасида капитал таъмирдан чиқариш;
- ўқув аудиторияларини замон талаблари даражасида янгилаш ва ишчи ҳолатда сақлаш;
- янги замонавий компьютерлар, электрон доскалар, мультимедиа қурилмалари ва бошқа зарурий инвентарлар билан жиҳозлаш;
- лаборатория хоналарини замонавий зарур жиҳозлар билан таъминлаш.

## 6. Олий таълимга тайёрлаш

Олий таълимга тайёрлаш академик лицей фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Умумий ўрта таълим муассасалари иқтидорли ёшларни танлаб олиш, уларнинг умумий ўрта таълим муассасаларида олган билимларни узлуксиз ва узвийликда мустаҳкамлаш орқали иқтисодиёт соҳаларига йўналтирилган ОТМларга билимли талабаларни етиштириб бериш.

### 6.1. Олий таълимга тайёрлашни ривожлантириш вазифалари

- умумий ўрта таълими муассасалари билан шартномалар асосида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;
- узлуксиз таълим тизимида таълим жараёнини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;
- ўқувчиларни институтга кириш синовларига тайёрлаш учун кундузги ва кечки ўқув курсларини ташкил этиш;
- таълим хизматлари ярмаркалари, кўргазмаларида иштирок этиш;
- мактаб ўқувчилари очиқ эшиклар кунини ташкил этиш.